

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҲАМРАЕВ ОБИД АХАТОВИЧ

**БАНКЛАРГА УЗОҚ МУДДАТЛИ МАБЛАҒЛАРНИ ЖАЛБ
ҚИЛИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07–Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри– 2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Ҳамраев Обид Ахатович

Банкларга узоқ муддатли маблағларни жалб қилиш амалиётини
такомиллаштириш..... 3

Хамраев Обид Ахатович

Совершенствование практики привлечения долгосрочных ресурсов в
банки..... 27

Khamrayev Obid Akhatovich

Improving the practice of attracting long-term resources to banks 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.1.17.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҲАМРАЕВ ОБИД АХАТОВИЧ

**БАНКЛАРГА УЗОҚ МУДДАТЛИ МАБЛАҒЛАРНИ ЖАЛБ
ҚИЛИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07–Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри– 2020 йил

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt986 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Омонов Ақром Абдиназарович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жумаев Нодир Хосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Музаффар Абдужабборович
иқтисодиёт фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Г.В.Плеханов номидаги Россия давлат
иқтисодиёт университетининг Тошкент
филиали

Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «30» 09 соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-11-48, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Амир Темур кўчаси, 60-А уй. тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-11-48,

Диссертация автореферати 2020 йил «18» 09 кун тарқатилди.
(2020 йил «18» 09 даги 36 рақамли реестр баённомаси).



С.У.Мехмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

Н.Н.Каландарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, PhD

И.Н.Кўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро молия ва истеъмол бозорларида баҳоларнинг кескин тебраниши, дунё минтақалари ўртасида ўзаро ижтимоий-сиёсий зиддиятларнинг кескинлашуви банкларнинг узоқ муддатли молиявий ресурс базасининг заифлашуви сабаб бўлмоқда. Натижада «1980 йилларда дунё бўйича инвестицияларнинг ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 28 фоиздан юқори бўлган бўлса, 2020 йилга келиб 23 фоизга тушиб қолди»¹. Бунинг оқибатида нафақат уларнинг реал секторни молиявий ресурс билан таъминлаш ва кредитлаш, балки халқаро ва миллий иқтисодиётда турли даражадаги «молиявий ва иқтисодий инқирозларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда»². Буларнинг барчаси мазкур диссертация мавзуси нафақат маҳаллий, балки халқаро даражада ҳам долзарб эканлигидан далолат беради.

Жаҳон амалиётида банкларга узоқ муддатли маблағларни жалб қилиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари ва уларнинг меъёрларига бўлган талабларни Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ), Жаҳон банки (ЖБ) ва дунёнинг ривожланган мамлакатлари Марказий банклари, йирик тижорат банклари, Базель қўмитаси каби молиявий муассасалар томонидан амалга ошириб келинмоқда. Уларда банкларнинг молиявий ресурслари манбалари, молия бозори инструментлари, иқтисодий нормативларни оптималлаштириш, улар билан боғлиқ рискларни камайтириш масалалари атрофлича баён этилган. Бироқ, банкларга узоқ муддатли ресурсларни жалб қилиш ва уни таклиф этувчи молиявий инфратузилмаларнинг фаолиятини ривожлантириш, ресурслар таркибида ва мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан «узун пуллар»нинг улушини ошириш йўллари етарлича очиб берилмаган. Хусусан, тижорат банкларининг узоқ муддатли маблағларини жалб қилиш имкониятининг чегараланганлиги, пул таклифи даражасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотга нисбатан пастлиги масалалар долзарблигини сақлаб турибди. Буларнинг барчаси банкларга узоқ муддатли маблағларни жалб қилишни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб боришни талаб этади.

Ўзбекистонда банкларнинг узоқ муддатли молиявий ресурслари ҳажмига пул таклифининг ҳолати (Марказий банк, хорижий инвесторлар), молиявий инфратузилмалар (инвестицион банклар, суғурта ташкилотлари, давлат ва нодавлат пенсия фондлари ва б.)нинг ривожланганлиги, миқозлар ва аҳолининг банк тизимига ишончи муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масалаларнинг ҳал бўлиши нафақат банкларнинг узоқ муддатли маблағларининг ошишига, балки уларнинг фаолияти билан боғлиқ қатор долзарб масалаларни ижобий ҳал этиш имконини беради. Бу ишларнинг ижобий ечимини таъминлаш борасида «Банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган «лойиҳалар фабрикаси» фаолиятини йўлга қўйишимиз лозим. Банкларимиз халқаро молия бозорларига чиқиб, арзон ва

¹ Total Investment (% Of GDP), % Of GDP. https://tcdata360.worldbank.org/indicators/inv.all.pct?country=BRA&indicator=345&viz=line_chart&years=1980,2024

² Пирожков А. Длинные деньги или инструменты для вложения: чего не хватает России. https://www.dp.ru/a/2017/06/04/Problemi_s_kuricej_i_jajcom

узок муддатли ресурслар олиб келиши зарур»³лиги каби қатор вазифалар белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 21 декабрдаги ПҚ-4071-сонли «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва ушбу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари узок муддатли ресурслари базаси масалаларининг айрим назарий, услубий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар – Г.Белоглазова, Д.Нотон, И.Бланк, Э.Долан, Э.Родэ, Э.Рид, Р.Коттер, Л.Падалкина, О.Лаврушин, О.Макаровларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган⁴.

Банк ресурслари шаклланишининг баъзи жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар – А.Вахабов, Б.Бабаев, Т.Қоралиев, У.Розукулов, Ш.Абдуллаева, А.Омонов ва бошқа иқтисодчи олимлар ҳамда мутахассисларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган⁵.

Хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар тижорат банклари молиявий ресурсларини шакллантириш, банкларнинг депозит базасини мустаҳкамлаш, банк капиталини бошқариш каби масалалар бўйича илмий тадқиқот

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

⁴ Финансы и кредит: Учебник. Под ред. Г.Белоглазовой. –М.: Юрайт-Издат, 2003. -575 с.; Д Нотон. Банковские учреждение в развивающихся странах. Пер. с англ. В 2-х т. -Вашингтон, Д.С.:Всемирный банк, 1994. Т.1.-323 с.; И.Бланк Концептуальные основы финансового менеджмента. –Киев: Ника-Центр, Эльга, 2003. -425 с.; Э.Долан, и др. Деньги, банковские дело и денежно кредитная политика. Пер. с англ. -Москва-Ленинград: 1991.-446 с.; Э.Родэ. М. Банки, биржи, валюты современного капитализма.–М.: Финансы и статистика, 1986. -358 с.; Э.Рид, Р.Коттер и другие. Коммерческие банки. Пер. с англ. под ред. В.Усоскина М. 2-е издание.–М.: Космополис, 1991. -478 с.; Л.Падалкина Современная денежно-кредитная система капитализма. –М.: ВЗФЭИ, 1982. -489 с.; О.Лаврушин и другие. Деньги, кредит и банки. –М.: Финансы и статистика, 2001. -460 с.; О.Макарова и другие. Коммерческие банки и их операции. –М.: Банки и биржи, 1995. -288 с.

⁵ А.Вахабов, Худяков Н.К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. В 2-х т. – Ташкент: Университет, 2003. Т.1. -276 с.; Б.Бабаев Вопросы формирования ресурсов коммерческих банков и их эффективное использования. Автореферат диссертации на соиск уч. степ. к.э.н. –Ташкент: БФА, 2002.-21 с.; Т Каралиев. и др. Хозяйственный расчет в системе коммерческих банков. –Ташкент: Узбытцентр, 1991. -64 с.; У.Розукулов Анализ надежности коммерческих банков и пути укрепления их устойчивости. Автореферат диссертации на соиск. учен. степ. к.э.н. –Ташкент: БФА, 2002. -21 с.; Ш.Абдуллаева Пул, кредит ва банклар. –Тошкент: Иқтисод-молия, 2007. -344 б.; А.Омонов Тижорат банкларнинг молиявий ресурсларини самарали бошқариш масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. – Тошкент: БМА., 2008. Б. -35.

ишларини амалга оширган. Бироқ, банкларга узоқ муддатли маблағларни жалб қилиш амалиётини такомиллаштириш масалалари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан яхлит тарзда илмий – тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон тижорат банклари узоқ муддатли ресурслари базасини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

банкларнинг «узун пуллар»и ва узоқ муддатли ресурс базасининг назарий асосларини илмий ўрганиш асосида муаллифлик таърифини шакллантириш;

хорижий банклар амалиётида узоқ муддатли маблағларни жалб қилиш амалиёти тадқиқ этилиб, уларнинг ижобий жиҳатларини маҳаллий амалиётда қўллаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

тижорат банклари муддатли маблағлари ва капиталининг молиявий ресурслари таркибидаги ўрни амалий жиҳатдан таҳлил этилиб, уларнинг ҳажминини ошириш юзасидан тегишли тавсиялар шакллантириш;

банкларнинг депозит ва нодепозит маблағларини жалб қилиш амалиётини таҳлил этиш ва уларга баҳо бериш;

банкларнинг узоқ муддатли ресурсларининг эконометрик таҳлилинини амалга ошириш ва 2020-2023 йилларга башоратини ишлаб чиқиш;

банкларнинг узоқ муддатли ресурслар базасини мустаҳкамлаш юзасидан тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Ўзбекистон тижорат банклари узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ фаолияти тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Тижорат банклари узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар илмий ишнинг предметиدير.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, қиёсий ва таркибий таҳлил, индукция ва дедукция, эконометрик таҳлилдан фойдаланилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

монетизация коэффицентини босқичма-босқич кўтариш ва қайта молиялаш ставкасини пасайтириш орқали банкларнинг узоқ муддатли молиявий ресурсларини мамлакат ялпи ички маҳсулотга нисбатан улушини ошириш асосланган;

аҳоли ўртасида ютуқли депозит сертификатларнинг жорий этилиши асосида банкларнинг жалб қилинган молиявий ресурслари таркибида муддатли ва жамғарма депозитлар улушини кўпайтириш асосланган;

Марказий банкнинг пул таклифи ва молиявий муассасалар (суғурта ташкилотлари, жамғариб бориладиган пенсия фондлари) ресурслари ҳажмини ошириш орқали банкларнинг пассивлари таркибида муддатли молиявий ресурслари базасини мустаҳкамлаш таклиф этилган;

тижорат банклари муддатли ресурслари базасини Марказий банкнинг юмшоқ пул-кредит сиёсатини қўллаш орқали мустаҳкамлаш зарурлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

банкларнинг жалб қилинган молиявий ресурслари таркибида муддатли ва жамғарма депозитларнинг улушини қўпайтириш зарурлиги ҳамда уни амалга оширишга доир тавсиялар шакллантирилган;

тижорат банклари хорижий банкларнинг Востро вакиллик ҳисобварақаларини очиш орқали қўшимча молиявий ресурслари миқдорини ошириш имкониятлари аниқлаб берилган;

мижозларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақаларидаги вақтинчалик бўш турган маблағларини узоқ муддатли депозитларга ўтказиш таклифи ишлаб чиқилган;

суғурта ташкилотлари суғурталановчиларнинг суғурта мукофотлари ва ихтиёридаги вақтинчалик бўш молиявий маблағларини банкларнинг 3 йил ва ундан юқори бўлган муддатли депозитларига жойлаштириш таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотчиларнинг тижорат банкларига узоқ муддатли маблағларни жалб қилишнинг назарий ва амалий муаммоларга бағишланган илмий қарашларини ўрганиш, соҳадаги хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини тадқиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон суғурта ташкилотлари, фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия фондлари ва тижорат банклари молиявий ҳисоботлари ва статистик маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар тижорат банкларига узоқ муддатли маблағларни жалб қилиш амалиётини такомиллаштириш юзасидан илмий қарашларни бойитиши билан белгиланади. Улардан тижорат банклари узоқ муддатли маблағларнинг жалб қилишда, унинг усуллари ва моделларини ишлаб чиқишда, шунингдек бу борада амалга оширилаётган тадқиқот ишларида ҳамда «Пул ва банклар», «Банк иши», «Тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқариш» каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва уларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни республикамизда тижорат банкларига узоқ муддатли маблағларни жалб этишни такомиллаштириш қаратилган комплекс чоратadbирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Банкларга узоқ муддатли маблағларни жалб қилиш амалиётини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

монетизация коэффициентини босқичма-босқич кўтариш ва Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини пасайтириш орқали банкларнинг узок муддатли молиявий ресурсларини ошириш ҳақидаги таклифи АТБ “Асака”банк амалиётига жорий этилган (АТБ «Асака» банкнинг 2019 йил 16 декабрдаги 19-01/84-37-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида банкнинг банклараро ресурслар бозоридан маблағларни жалб қилиш ҳажми 2020 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 25 фоизга ортиши башоратланган;

тижорат банкнинг депозитлари таркибида жамғарма депозитлар улушини ошириш мақсадида аҳоли ўртасида ютуқли депозит сертификатларини жорий этиш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги таклифи АТБ “Асака”банк томонидан амалиётга жорий этилган (АТБ «Асака» банкнинг 2019 йил 16 декабрдаги 19-01/84-37-сонли маълумотномаси). Натижада, банкнинг депозитлари таркибида жамғарма депозитлари 2019 йил 1 октябрда ўтган ҳисобот даврига нисбатан 8 фоизга орган, шунингдек 2020 йил биринчи ярмида 15 фоизга етиши режалаштирилган;

Марказий банкнинг пул таклифи ва молиявий муассасалар (суғурта ташкилотлари, жамғариб бориладиган пенсия фондлари) ресурслари ҳажмини ошириш орқали банкларнинг пассивлари таркибида муддатли молиявий ресурслари ҳажмини мустаҳкамлаш ҳақидаги таклифи АТБ “Асака”банк томонидан амалиётда қўлланилган (АТБ «Асака» банкнинг 2019 йил 16 декабрдаги 19-01/84-37-сонли маълумотномаси). Натижада, банкнинг молиявий ресурслари таркибида суғурта ташкилотларининг узок муддатли маблағлари 2019 йил 1 октябрда ўтган ҳисобот даврига нисбатан 15 фоизга ошириш имконини берди;

тижорат банклари муддатли ресурслари базасини Марказий банкнинг юмшоқ пул-кредит сиёсатини қўллаш орқали мустаҳкамлаш зарурлиги хусусидаги таклифи АТБ “Асака”банк фаолиятида амалиётга жорий этилган (АТБ «Асака» банкнинг 2019 йил 16 декабрдаги 19-01/84-37-сонли маълумотномаси). Натижада, банкнинг ресурслари таркибида Марказий банкнинг муддатли ресурслари 2019 йил 1 октябрда ўтган ҳисобот даврига нисбатан 42 фоизга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 3 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, шундан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган. Диссертация ҳажми 136 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг мамлакатимиз банк тизими ривожланиш йўналишларига ҳамоҳанглиги асослаб берилган. Шунингдек, киришда тадқиқот ишининг илмий янгилиги келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертация ишининг «**Узоқ муддатли маблағлар (узун пуллар)нинг назарий асослари ва аҳамияти**» номли биринчи бобида «узун пуллар»нинг назарий асослари ва иқтисодий моҳияти қиёсий таҳлил қилинган, «узун пуллар»нинг аҳамияти ва манбалари ҳамда хорижий банкларга «узун пуллар»ни жалб қилиш амалиёти тадқиқ этилиб тегишли ишланмалар шакллантирилган.

Маҳаллий иқтисодий адабиётларда «узун пуллар» хусусида сўз кетганда айрим мулоҳазали фикрларни кузатиш мумкин. Чунки, ҳозирги кунгача молиявий муассасалар, хусусан тижорат банклари барқарор ресурс маблағлари «узоқ муддатли маблағлари» сифатида юритиб келинади. Ваҳоланки, ривожланган мамлакатларда, ҳатто бозор иқтисодиёти даврини бошидан кечираётган Россия иқтисодий адабиётларида ҳам молия муассасаларига узоқ муддатга жойлаштирилган маблағларга нисбатан «узун пуллар» тарзидаги иқтисодий терминнинг қўлланилиши табиий-иқтисодий ҳолат сифатида қабул қилинади.

Демак, «узун пуллар» деганда молиявий муассасалар ресурслари таркибидаги муддати жиҳатидан уч, беш ва ўн йилдан ортиқ муддатга сақланадиган маблағлар назарда тутилади. Агар, «узун пуллар»ни миллий иқтисодиётни ривожлантириш имкониятларига эътибор қаратадиган бўлсак, унинг натижалари жуда беқиёсдир. Хусусан, халқаро молиявий экспертлар ва мутахассисларнинг фикрига кўра, иқтисодиётда «узун пуллар»нинг улуши мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан 30-35% ни ташкил этиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади⁶. Ушбу мезон таъминланган иқтисодиётда, корхона ва ташкилотлар фаолиятини бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда доимий модернизациялаш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, мамлакат ташқи савдо балансининг ижобий қолдиғини таъминлаш ва бошқа шу каби масалалар ўзининг ижобий ечимини топишига хизмат қилади.

Ўзбекистон банк тизимида «узун пуллар»ни шакллантириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда, хусусан 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари пассивлари таркибида депозитларнинг улуши 32,7 фоизни ташкил этиб, банклар томонидан берилган жами кредитнинг 93,5 фоиздан ортиғи узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ) кредитлар ҳисобланади⁷. Бироқ,

⁶Amit Ghosh. Do bank failures still matter in affecting regional economic activity? Journal of Economics and Business. Volume 90, Pages 1-76 (March–April 2017)


⁷ www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти) маълумотлари асосида тайёрланди

жалб қилинган депозитларнинг 70 фоизи қисқа муддатга жалб қилинган маблағлар ҳисобланади, бундан кўриниб турибдики, мамлакатимиз банкларига «узун пуллар»ни жалб қилиш ўта долзарб масалалардан ҳисобланади.

Маҳаллий иқтисодий адабиётларда «узун пуллар»нинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва манбалари етарли даражада ўрганилмаган, шу боис молия муассасаларига яъни, тижорат банкларида «узун пуллар» қандай манбалар ҳисобидан жалб этиш мумкин, деган ўринли савол қўйилиши табиийдир. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек тижорат банкларининг мазкур молиявий ресурслар манбаси, уларни шакллантирувчи молиявий муассасалар маҳаллий олимлар ва мутахассислар томонидан етарли равишда ўрганилмаган.

Бизнингча, тижорат банкларида «узун пуллар»ни шакллантириш ва ҳажмини оширишга қатор объектив ва субъектив масалаларнинг ижобий таъсири таъминланиши лозим. Бу албатта, муайян вақт, молиявий-иқтисодий сиёсат, қолаверса мамлакат аҳолисининг тўлов қобилиятининг барқарор ошиб боришини талаб қилади. Шунингдек, иқтисодиётда «узун пуллар»ни «ишлаб чиқарувчи» ва таклиф этувчи молиявий субъектлар фаолиятининг ташкил этилиши ва ривожланиши муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро молия-банк амалиётидан маълумки, мазкур молиявий ресурсларни, яъни «узун пуллар»ни «ишлаб чиқарувчи» молиявий муассасалар қуйидаги расмда келтирилган.



1-расм. «Узун пуллар»ни «ишлаб чиқарувчи» молиявий муассасалар⁸

1-расмдан кўриниб турибдики, «узун пуллар»ни «ишлаб чиқарувчи» молиявий муассасалар таркибида банк тизими, суғурта ташкилотлари ва жамғариб бориладиган пенсия фондлари ўрин олган. Бироқ, таъкидлаш жоизки, улар «узун пуллар»ни «ишлаб чиқиш»да турлича ваколат ва

⁸ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилган

имкониятга эга бўлиш билан бирга, мамлакат пул массасини ошириш ёки камайтиришга бевосита ва билвосита таъсир қилиши мумкин. Масалан, Марказий банк бевосита «узун пуллар»ни яратмасда, иқтисодиётда пул массасини оширишга бевосита таъсир қилувчи ва «узун пуллар»нинг асосини яратувчи монополь молиявий муассаса ҳисобланади, Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган пуллар иқтисодиётдаги товар массасига нисбатан ҳаддан зиёд ортиб кетиши баҳоларнинг ошишига олиб келиши билан бирга, миллий валютанинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади ва инфляция даражасининг кучайишига сабаб бўлади.

Тижорат банклари мамлакатда «узун пуллар»ни пул мультипликатори орқали шакллантирувчи йирик молиявий муассасалар ҳисобланади. 1-расмда келтирилган бошқа молиявий муассасалардан фарқли ўларок, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, инвестицион банклар ва жамғариб бориладиган пенсия фондлари томонидан таклиф этилаётган «узун пуллар» иқтисодиётнинг реал секторига жойлаштирувчи ўзига хос муҳим тижорат ташкилоти ҳисобланади. Тижорат банклари мазкур субъектларнинг узоқ муддатга мўлжалланган пул маблағларини нафақат иқтисодиётнинг реал секторига жойлаштириш, балки ўзлари ҳам қимматли қоғозларни эмиссияси ҳисобига йирик миқдорда узоқ муддатли молиявий ресурсларни шакллантириш имкониятига эгадир.

Иқтисодий назариялар таълимотида узоқ муддатли молиявий ресурслар классик ва неоклассик мактаб вакиллари (Ф.Кенэ, А.Смит, Д.Рикардо, Т.Мальтус, А.Маршалл, Ж.С.Милл, Ж.Сэй, Л.Вальрас, В.Парето ва бошқалар) томонидан «инвестиция», «жамғарма», «капитал» тадқиқот объекти ва миллий иқтисодиётнинг ҳаракатга келтирувчи муҳим иқтисодий механизм сифатида ўрганилган, уларнинг асосийлари билан атрофлича танишиб чиқамиз.

А.Смит, Д.Рикардо ва Т.Мальтуслар миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда муддати жиҳатидан узун пулларга, яъни капитал хусусидаги таълимотида мамлакатда иқтисодий ўсиш, авваламбор, капитални жамғарилиш суръатларига боғлиқ равишда амалга оширилишини таъкидлашади. Бунда асосий икки омил яъни, миқдорий ўсиш ва инвестицион ресурсларнинг сифати алоҳида аҳамият касб этишини эътироф этишган. Инвестиция оқимининг даражаси биринчи навбатда ишлаб чиқариш фаолиятдан олинadиган фойдага, иккинчидан эса жамғарма ҳажмига, яъни капитал қўйилма манбасига боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар⁹.

Шунингдек, классик мактаб вакиллариининг илмий қарашларида «капитал – ишлаб чиқаришнинг муҳим омили, уни амал қилиш муддати эса ривожланишни белгилайди»¹⁰. Демак, ушбу ғоя, Марказий банк ва тижорат банкларида ресурсларни узоқ муддатга жойлаштириш иқтисодиётнинг ривожланиши учун фойдалилиги хусусида фикрни шакллантиришга хизмат қилади, чунки бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётдаги узоқ

⁹Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. Стр 58 М: 1994, Жид. Ш, Рист. Ш. История экономических учений. М: 1995 г. С. 126, 139

¹⁰Ивашковский С.Н. Макроэкономика. – М.: Дело, 2002, С. 38.

муддатли молиявий ресурсларни банк тизими орқали самарали жойлаштирилиши миллий валютанинг барқарорлиги ва банкларнинг ликвидлилик даражасининг ортишига олиб келади.

Иқтисодий назарияда молиявий ресурслар, капитал ва инвестицияга оид иқтисодий муносабатлар Альфред Маршалл (1842-1924) таълимотида ҳам тегишли даражада баён этилган. Унинг фикрича, молия бозорида иккита катта гуруҳ – молиявий ресурсларга эҳтиёжи мавжуд субъектлар, яъни узоқ муддатли ресурсларни тегишли тўлов асосида ўзлаштирувчилар ва молиявий бозор таклифини шакллантирувчилар, яъни молиявий муассасалар бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият юритади¹¹.

Ж.С.Милль (1806-1873) классик мактаб вакиллариининг капитал ва инвестициялар ҳақида «Сиёсий иқтисоднинг асослари ва унинг ижтимоий философияга ўғриладиган баъзи жиҳатлари» (1848) асарида бозор мувозанатини таъминлашда пулнинг «нейтраллиги» концепциясини яратди¹².

Ж.Кейнс ва унинг давомчилари классиклар мактабининг вакили Ж.С.Миллнинг пулнинг «нейтраллиги» ҳақидаги назариясига шубҳа билан қараб, пул реал ишлаб чиқаришга нисбатан нейтраллиги ҳақидаги ғоясига эътироз билдирди.

Ж.Б.Сэй «айнан ишлаб чиқариш маҳсулотларни жойлаштириш бозорларини вужудга келтиради», деб таъкидлаган эди. Унинг назарий ғоясига кўра, маҳсулотлар таклифи доимий равишда уларга бўлган талабни шакллантиради, мадомики, ишлаб чиқарувчи маҳсулотини бозорда айирбошлаши натижасида топган восита (қиймат)ни тўлиғича бошқа товарларни олишга сарфлайди¹³.

Ж.Б.Сэйнинг ушбу ғоясини кенгроқ таҳлил қиладиган бўлсак, бу жараён тўлиғича иқтисодиётдаги молиявий ресурслар ёрдамида амалга оширилади. Ушбу жараённинг самарали ва узлуксиз амал қилиши учун етарли даражада молиявий ресурслар мавжуд бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида ушбу маблағлар молиявий муассасалар орқали, янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, тижорат банклари томонидан иқтисодиётга йўналтирилади.

Шу жиҳатдан, Ж.Б.Сэйнинг иқтисодий таълимотида молиявий ресурслар бозор иқтисодиёти, ҳатто иқтисодиётни марказдан режалаштириш шароитида ҳам ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги товар-пул муносабатларининг қатъиян мавжудлигини заруриятга айлантиради деган фикрда, банклар доимий ва узлуксиз равишда узоқ муддатли молиявий ресурсларга кучли эҳтиёж сезади.

Неоклассик-иқтисодчилар жамғарма инвестиция ($S=I$) кўринишини олиши учун капитал бозорида талаб ва таклиф барқарорлиги фоиз ставкасига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлаб, бу банкларда молиявий маблағлар ҳажми ортиб боришига олиб келади, деган хулосага келишган. Агар жамғарма (капиталнинг таклифи) ҳажми мўлжалланган инвестиция қилиш

¹¹Тарануха Ю.В., Земляков Д.Н. Микроэкономика. – М.: Дело и сервис, 2002, С.28.

¹²Милль Ж.С. Указанные сочинения. М.: Прогресс, Т.II. С.240-241.

¹³Сэй Ж.Б. Трактат политической экономии. – М.: Прогресс, 1982, С. 59.

ҳажмидан кам бўлса, натижада фоиз ставкаси ошади, бунинг оқибатида инвестицияга бўлган талаб камаяди, жамғармага нисбатан таклиф эса ортади¹⁴.

Неоклассик мактаб вакилларидан фарқли ўларок, Ж.Кейнс бозор иқтисодиёти шароитида даромад ва харажатларнинг ўсиши инвестиция ҳажми ҳам шу даражада ўсади деган хулосани чиқариш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлайди. Бунинг боиси, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар жамғарма ва инвестиция ҳақидаги қарорларни доимо ҳам бир хил тарзда қабул қилмаслигини таъкидлайди.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банклари узоқ муддатли маблағлари, неоклассик мактаб вакиллари таъкидлаганидек, фақат аҳолининг жамғармалари ҳисобидан эмас, балки мамлакатдаги давлат ва нодавлат пенсия фондлари, инвестицион фондлар, суғурта ташкилотларининг молиявий маблағлари алоҳида аҳамият касб этади.

Банкларда «узун пуллар» ҳажмини оширишга қатор ижтимоий-иқтисодий омиллар бевосита ва билвосита таъсир қилади. Хусусан, қимматли қоғозлар бозори, истеъмол товарларга бўлган талабнинг 75-80 фоизини маҳаллий ишлаб чиқариш, мамлакатда инфляция, ишсизлик, иш ҳақи даражаси кабилар шулар жумласига киради.

Қуйидаги расмда иқтисодий жиҳатдан ривожланган АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой ва Япония мамлакатларининг банк ресурслари манбаларининг таркиби ва динамикаси ҳақида маълумотлар келтирилган.



2-расм. Айрим ривожланган мамлакатлар банк тизими ресурслари таркибида узоқ муддатли маблағларнинг улуши, (жамига нисбатан фоизда, 31 декабрь ҳолатига)¹⁵

2-расмда ривожланган АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой ва Япония мамлакатлари банклари ресурслари таркибида узоқ муддатли (муддатли ва жамғарма депозитлари) маблағларнинг улуши ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Расмдан кўриниб турибдики, 2015 йил 31 декабрда АҚШ банклари ресурслари таркибидаги узоқ муддатли ресурслар улуши 65,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йил 31 декабрга келиб ушбу

¹⁴Ядгаров Я.С. История экономических учений. –М.: ИНФРА-М,2001, С.313.

¹⁵ International Financial Statistics IMF. January, 2020.

кўрсаткич 67,1 фоизни ёки таҳлил этилаётган даврда 1,9 пунктга ортганлигини кўришимиз мумкин.

Буюк Британия ва Германия банклари ресурслари таркибида узоқ муддатли ресурсларнинг улуши ҳам нисбатан юқори бўлиб, 2-расмда келтирилган мамлакатлар ичида иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Тадқиқ этилаётган даврда ушбу мамлакатлар банкларининг ресурслари таркибида узоқ муддатли маблағларнинг улуши 2019 йилда, мос равишда 63,2-54,2 фоиздан иборат бўлган.

2-расмда Хитой Халқ Республикаси банклари ресурслари таркибида узоқ муддатли маблағларнинг улуши нисбатан юқори даражада эканлигини кўришимиз мумкин. Масалан, ушбу кўрсаткич 2015 йил 31 декабр ҳолатига қарийб 50,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йил 31 декабр ҳолатига 60,4 фоизга етган.

Амалга оширилган тадқиқотлар ва ўрганишлар асосида: «Тижорат банклари узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш – банкнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжи ва ликвидлилигини тўлиқ таъминлаш ҳамда узоқ вақт давомида (3,5,10 йилдан ортиқ вақтга) банк ихтиёрида бўладиган, уларни иқтисодиётнинг базавий тармоқларига жойлаштириш учун етарли миқдордаги барқарор ресурсларга бўлган талабни қондириш билан боғлиқ бўлган фаолиятдир» – тарзидаги таъриф шакллантирилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, МДХга аъзо мамлакатлари банклари амалиётини таҳлил қилганимизда уларда узоқ муддатли молиявий ресурсларни «ишлаб чиқувчи» молиявий муассасалар фаолияти етарли даражада ривожланмаган, иккинчидан, тижорат банкларида узоқ муддатли ресурсларни шакллантириш борасида етарли тажриба ва стратегик режалар мавжуд эмас, учинчидан, мамлакатда қимматли қоғозлар бозори жуда заиф ҳолатда. Буларнинг барчаси ушбу мамлакатлар банк тизимида «узун пуллар» ҳажми нисбатан паст даражада қолишига сабаб бўлмоқда.

Диссертация ишининг **«Банкларнинг узоқ муддатли маблағларини ҳолати ва ривожланиши»** номли иккинчи бобда банкларнинг узоқ муддатли маблағларини шакллантириш амалиёти ва асосий тенденциялари таҳлил қилинган, банк капитали, депозит ва депозит бўлмаган маблағлари ҳамда уларни жалб қилиш амалиёти тадқиқ қилинган, шу билан бирга амалий тавсиялар шакллантирилган.


Бозор муносабатлари шароитида, айниқса бугунги кунда, жаҳонда давом этаётган молиявий инқироз мамлакатларда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада мустаҳкамлашни ва банк – молия тизимини барқарорлигини оширишни тақозо этмоқда.

Ривожланган мамлакатларда йиллик инвестициялар ҳажми мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан 18-20 фоиз бўлиши меъёрий ҳолат ҳисобланади, бироқ ушбу кўрсаткич ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида камида 34-38 фоизни ташкил этиши зарурлиги таъкидланади. Бунинг сабаби мазкур мамлакатларда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган инфратузилманинг тўлиқ шаклланмаганлиги билан изоҳланади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизга киритилаётган хорижий инвестицияларнинг ҳажми ўсиб бориш тенденциясига эга бўлсада, кейинги йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан ошириш зарурлиги долзарблигчи қолмоқда. Айниқса, мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган жами инвестициялар таркибида тижорат банклари маблағларининг улуши сезиларсиз даражани ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда банкларнинг узоқ муддатли ресурслар ҳажми ва салмоғини оширишда юқорида қайд этилган муаммоли ҳолатларни бартараф этиш билан бирга, Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, қайта молиялаш ставкаси ва тижорат банкларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захира нормасини пасайтириш орқали иқтисодиётда монетизация коэффицентини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Қуйидаги расмда Ўзбекистон ва айрим МДХ мамлакатлари банк кредитларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.



3-расм. Ўзбекистон ва айрим МДХга аъзо мамлакатлар банк кредитларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан улуши ва динамикаси, 31 декабрь ҳолатига¹⁶, (жамига нисбатан фоизда)

3-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, банк кредитларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши 2015-2019 йиллар 31 декабрь ҳолатига Россия, Украина ва Қозоғистонда таҳлил этилаётган мамлакатлар ичида сезиларли даражада юқори бўлган бўлсада, ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатларникига нисбатан анчагина паст даражада бўлган. Россия Федерациясида банк кредитлари 2016-2017 йиллар 31 декабрь ҳолатига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 40 фоиздан юқори бўлган бўлсада, 2018-2019 йиллар 31 декабрь ҳолатига ушбу даража пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг асосий сабаби, албатта бизнинг фиркримизча, АҚШ ва Европа Иттифоқининг Россия Федерациясига қарши қўллаган санкциялари сабаб бўлган.


¹⁶Манба: Марказий банклар маълумотлари асосида Standard & Poor's рейтинг компаниясининг рейтинг баҳоси. www.standardandpoors.ru.

3-расмдан кўриниб турибдики, Украина банк тизимининг кредитлари 2015-2017 йилларда 31 декабрь ҳолатига мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбати 60-70 фоиздан юқори бўлган бўлса, кейинги йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган.

3-расмда таҳлил этилаётган мамлакатлар ичида банк кредитлари барқарор ўсиб бораётгани Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳисобланиб, албатта Қозоғистон банк тизими кредитлари 2015-2018 йиллар 31 декабрь ҳолатига мамлакат ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши Ўзбекистонникидан сезиларли даражада юқори бўлган. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимиз тижорат банклари олдида бу борада амалга оширадиган долзарб масалалар сақланиб қолмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда мазкур масалаларнинг ижобий ечимини таъминлаш учун тижорат банклари кредитлаш имкониятини берувчи депозит маблағлари, хусусан муддатли депозитлар базасининг мустаҳкамлигига эришиш зарур.

Қуйидаги расмда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитли ресурс манбаларининг таркиби ва динамикасини таҳлил қиламиз.



4-расм. Тижорат банклари депозит маблағларининг таркиби ва динамикаси, (фоиз ҳисобида, 31 декабрь ҳолатига)¹⁷

4-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банклари депозит маблағлари таркибида муддатсиз депозитлар улуши асосий ўринни эгаллайди. Ушбу кўрсаткич 2015 йил 31 декабрь ҳолатига жами депозит маблағларнинг 61 фоизини ташкил этгани ҳолда, 2019 йил 31 декабрь ҳолатига ушбу молиявий манбанинг улуши пасайиш тенденциясига эга бўлган, албатта бу тижорат банклари молиявий барқарорлиги нуқтаи назардан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Тижорат банклари депозит маблағлари таркибида талаб қилиб олингунча сақланадиган маблағлар (муддатсиз депозитлар) улушининг юқорилиги ва депозит базасининг заифлиги, уларнинг узок муддатли ресурс базасида муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Буларнинг барчаси амалиётда тижорат банклари мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ қатор

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг эълон қилган ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

зиддиятли ҳолатларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Хусусан, вакиллик ҳисобварақларида маблағлар тақчиллиги, мижозларнинг нақд пулларга бўлган талабини қондиришда, самарали лойиҳаларни молиялаштириш учун зарур бўлган ресурсларга эҳтиёжини қондиришдаги мавжуд муаммолар шулар жумласидандир.

Маълумки, тижорат банклари ресурслари таркибида узоқ муддатли ресурсларни шакллантиришнинг муҳим манбаларидан бири банкларнинг депозит бўлмаган манбалари ҳисобланади. Халқаро амалиётдан маълумки, тижорат банклари ресурсларини шакллантиришда депозит бўлмаган манбалардан жуда кенг фойдаланади. Банк ресурслари таркибида ушбу ресурслар ҳажмининг юқори ёки пастлигига мамлакатда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлик даражасига бевосита ва билвосита таъсир қилади.

Қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, тижорат банклари ресурслари салмоғи ва динамикаси ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

1-жадвал

Ўзбекистон тижорат банклари жами ресурслари таркибида депозит бўлмаган манбаларнинг салмоғи ва динамикаси¹⁸ (31 декабрь ҳолатига, фоиз ҳисобида)

№	Маблағларнинг манбаси	Йиллар				
		2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2019й.
Мажбуриятлар						
I	Депозит маблағлар	58,3	56,2	49,5	40,8	37,3
II	Нодепозит маблағлар, шундан	41,7	43,8	50,5	59,2	62,7
1	Марказий банкнинг ҳисобварақлари	5,6	3,5	0,4	0,4	0,3
2	Бошқа банкларнинг маблағлари	2,3	1,8	5,4	4	3,8
3	Қимматли қоғозлар эмиссияси	0,8	1	0,3	0,1	0
4	Олинган кредитлар	28,1	32,3	35,7	49,9	55,6
5	Бошқа мажбуриятлар	4,9	5,2	8,7	4,8	3
ЖАМИ:		100	100	100	100	100

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, мамлакатимиз банк тизими жалб қилинган ресурслари таркибида депозит маблағлари ҳажми пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 2015 йил 31 декабрь ҳолатига 58,3 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 37,3 фоизга ёки таҳлил этилаётган давр ичида 21 пунктга пасайган. Бу, ўз навбатида, банкларнинг жалб қилинган маблағлари таркибида нодепозит маблағлар улушининг ошишига сабаб бўлган, банкларнинг ушбу ресурс манбаси 2015 йил 1 январ ҳолатига 41,7 фоиздан 2019 йил 31 декабрь ҳолатига 62,7 фоизга етган.

Тижорат банклари нодепозит маблағлари таркибида асосий улуш олинган кредитлар ҳиссасига тўғри келиб, жалб қилинган ушбу манба, биринчидан нисбатан қиммат ва иккинчидан жалб қилиш даври бир йилдан

¹⁸Тижорат банкларининг эълон қилган ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ортмайди. Бундан ташқари нодепозит маблағлар таркибида қимматли қоғозлар эмиссияси ҳисобидан маблағларнинг шакллантирилмаслигини ҳам салбий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин. Чунки, банкларнинг ушбу манбаси хориж банк амалиётида жуда кенг ривожланган бўлиб, тижорат банкларига нафақат молиявий ресурсларни жалб қилиш, балки банкнинг бозордаги имиджи, мижозлар ва ҳамкорлар сонини ортишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Албатта, банкларнинг депозит ва нодепозит маблағлари ўртасидаги нисбатнинг бу даражада ўзгаришига таъсир қилувчи қатор объектив ва субъектив сабаблар мавжуд. Биринчидан, банк тизими бозор тамойиллари ва механизмларининг амал қилмаслиги натижасида соғлом рақобат муҳитининг шаклланмаганлиги, иккинчидан тижорат банклари капитали таркибида давлат улушининг юқорилиги, учинчидан Марказий банкнинг қаттиқ пул-кредит сиёсатининг жорий этилганлиги каби омилларни келтириш мумкин.

Тижорат банкларининг депозит бўлмаган молиявий ресурслари таркибида олинган кредитлар улуши юқори бўлиб қимматли қоғозлар эмиссияси манбасининг деярли мавжуд эмаслигининг сабаби мамлакатимизда бирламчи ва иккиламчи бозорининг ривожланмаганлигини келтиришимиз мумкин. Албатта, бу ҳолат банкларнинг ўз маблағлари, хусусан банк тизими жами капитали мамлакат ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши анча пастлига сабаб бўлмоқда. Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон тижорат банклари капитали динамикаси ва мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбати келтирилган.

2-жадвал

Тижорат банклари асосий кўрсаткичларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотга нисбати¹⁹ (31 декабрь ҳолатига)

Кўрсаткичлар	Йиллар									
	2015 й.		2016 й.		2017 й.		2018 й.		2019 й.	
	трлн сум	ялпи ички маҳсулотга нисбат								
ялпи ички маҳсулот	175,5	100	199,3	100	302,5	100	407,5	100	511,8	100
Капитал	7,8	4,4	9,4	4,7	20,6	6,8	26,6	6,5	51	9,9
Активлар	65,2	37,2	80,4	40,3	166,6	55,1	214,4	52,6	273	53,3
Кредитлар	42,7	24,3	55,8	28,0	110,5	36,5	167,4	41,1	211,5	41,3
Депозитлар	41,7	23,8	54,2	27,2	59,6	19,7	70	17,2	91	17,7

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2015-2019 йиллар 31 декабрь ҳолатига тижорат банклари капиталининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан улуши сезиларли даражада паст бўлган. Масалан, 2015 йил 31 декабрь ҳолатига капиталнинг улуши ялпи ички маҳсулотга нисбатан


¹⁹Ўзбекистон Марказий банки вебсаҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

4,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йил 31 декабрь ҳолатига 9,9 фоиздан иборат бўлган ёки таҳлил қилинаётган даврда 5,5 пунктга ортган. Банк капиталининг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари ҳам, мамлакат ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатидан анчагина паст даражани ташкил этган.

Диссертация ишининг «**Банкларнинг узоқ муддатли маблағларини жалб қилиш амалиётини такомиллаштириш ва эконометрик таҳлили**» номли учинчи бобида банкларнинг узоқ муддатли ресурслари базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ муаммолар аниқланган ва уларнинг ечимлари юзасидан тавсиялар шакллантирилган, шунингдек банкларнинг узоқ муддатли ресурсларининг эконометрик башорати амалга оширилган.

Хорижий мамлакатлар банк тизимида «узун пуллар» молиявий ресурсларни шакллантириш амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, иқтисодиётда «узун пуллар»ни шакллантиришда нобанк молиявий муассасаларнинг аҳамияти нечоғлиқ юқори эканлигига гувоҳи бўлдик. Хусусан, нодавлат пенсия жамғармалари дастлаб АҚШ ҳамда Буюк Британияда шаклланган бўлса, 20 асрнинг охирларига келиб Европа ва бошқа давлатларда тарқалди.

